

ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

№ 233 (5824).

11 ОКТЯБРЬ 1985 й.

ЖУМА

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЁН КУНЛИК

БУГУН ШАҲАРНИНГ МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА КПСС XXVII СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ЁН БЕШИНЧИ ЗАРБДОР ЁН КУНЛИК БОШЛАДИ.

Утган ён тўртинчи ён кунлик съездода социалистик мусо бақаси янада авж олди. Коллективларда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, моддий ва энергетика ресурсларини тежаш учун кураш давом этмоқда.

Республикамизнинг пахта далаларида етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш қизгин паллага кирди. Бу колхоз ва совхозлар учун техника етказиб бераётган корхоналарга алоҳида маъсулият юклатмоқда. Улар деҳқонларга панд бераётганлари йўқ. Тошкентнинг минглаб талабалари ҳам пахта далаларига йўл олиб, колхоз ва совхоз дала-

лариданги мўл ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олишга киришдилар.

Азиз ҳамшаҳарларимиз ёрдами билан бу йилги мавсумда ҳам минглаб тонна «оқ олтин» терилди. Хуллас пахта ва кишлоқ ўрғасиданги алоқа, «Уроқ ва Болға» иттифоқи йилдан йилга мустақамланиб бормоқда.

Минглаб тошкентликлар 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планини бажарганида ҳақиқатда галаба рапорти парига имзо чекшишмоқда. Уларнинг ана шундай серуғум меҳнатлари тўғрисида шайхонлик индустрияси йил бошидан буён планга қўшимча бир неча ўн миллион сўмлик ҳар хил маҳсулотлар тайёрлади. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш эса кўпайди.

Республикамиз пойтахти меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида муносиб совғалар ҳазирлашмоқда.

тор» заводи. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Минонд» заводида ана шундай пунктлар очилди. Лекин шунга қарамасдан тўрт йилу, тўққиз ой ичида 27 та янги объект фойдаланишга топширилди. Ваҳоланки, ўн биринчи беш йилликда план бўйича 60 та янги маиший хизмат кўрсатиш пунклари ишга туширилиши керак эди.

Меҳнат интизоми ва тартибни ҳар томонлама мустақамлаш, раҳбар кадрларнинг мавқуд ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш учун жавабгарлигини янада ошириш борасида ҳам бир муноша ишлаб чиқариш пунктлари амалга оширилди. Ўз вазифасини ундайла олмай, план-топшириқларини бажармагани учун ўрта зевондаги хизматчилардан 72 киши вазифасидан бўшатилди. Ҳали ҳам айрим корхоналарнинг аҳоли учун қудай бўлган иш вақтига ўтказиш муаммолари ҳал этилмаётган, баъзи бир ате-либ, устахона, қабул қилиш пунктлари кеч очилиб, барвақт ишлайётганлиги ҳақида сигналлар тушмоқда. Биз бугунги кунда меҳнаткашлар томонидан тушайтган ана шундай шикоятларни тезда бартараф этиш чораларини кўроқдамиз.

Ҳозир республикамиз далаларида етиштирилган мўл «оқ олтин»нинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан тезда йиғиштириб олиш учун қизгин кураш кетмоқда. Бошқарма миз томонидан ташкил этилган иккита кўча машиналар Сирдарё ва Жиззах областларидаги пахта далаларида ҳашида иштираётган хизматкашларнинг ҳақиқатда қўшимча мавқуд бўлишига эришилди. Бу хизматимиз жуذا маъқул келмоқда.

Ишнинг манфаатлари топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича бажаришни, фан-техника тараққиётини юксалтириш асосида меҳнат интизоми борича интенсификация, ишдаги сифат кўрсаткичларини эса янада яхшилашни тақозо этади.

МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА

Тошкентликлар 1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс Программасини амалга оширишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишга интиломоқдалар.

Утган ён тўртинчи ён кунлик яқунларини шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи М. ЗУФАРОВ шарҳлайди:

— Меҳнат коллективларимиз КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, зиммага олиган топшириқларини олгини билан адо этишмоқда.

Бугунги кунда 20 миңдан ортиқ ишчиларимиз ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишга иштирок этади. Шундан 12 миңини хотин-қизлар ташкил этади. Биз, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиб, ҳозирги кунда 1986—1987 йил «Собита меҳнат қилаётган «Автотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари К. Кравчин, М. Юсупов, Н. Журавлев, Э. Носиров, «Ташкортеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси илгорларидан А. Дунаев, Р. Телесник, Г. Спиридонова, В. Куликова, М. Қосимова, «Сангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешкалами Л. Ахатов, «Техслобконтрибор» бирлашмасининг илгори Н. Зокиров, «Стройрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. Махортов ва бошқа пешкадамларимиз билан ҳақли равида фахрланамиз.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларимиз сентябрь ойи планини муддатидан илгари

адо этидилар. Шунинг айтиши кераки, ўн биринчи беш йиллик бошида шахримиз аҳолига хизмат кўрсатиш 57,8 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳар бир аҳолига 32 сўм 30 тийинлик хизмат кўрсатишга деган сўзлар. Утган йилги эса 78,65 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш, ҳар бир аҳолига хизмат кўрсатиш 41 сўмга чиқарилди.

Аммо эришайтган бу ютуқларимиз чегара эмас, албатта. Маъмулотида эълон қилинган «1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программаси»да олинганга янада янги вазифалар қўйилди. Келгуси даврда совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилашда, уларнинг маънавий ва жисмоний камол топишида, бўш вақтдан янада оқилона фойдаланишда хизматларнинг роли оширилади. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда бепул хизматлар билан бир қаторда меҳнаткашларнинг олтин бораётган ахтиёрлари ва қизиқишларини эътиборга олиб ҳақ тўлаётган хизматларнинг кенг тармоқли ва самарали ишлаш системасини вуқудга келтириш

белгиланди. Бу система: хизматларнинг сифатини яхшилаш, хизмат маданиятини ошириш ва унинг илгор формаларини жорий қилади, янги турдаги хизматларни ташкил этади.

Ҳозирги ҳисоб-китобларга қўра келгуси беш йилликда хизмат кўрсатиш 145,1 процентни ташкил этади. Ур-тача ҳар йилга хизмат кўрсатиш 9 процентга ўсади. Беш йиллик охирига бориб, фақат Анжал Икромов районининг ўзида беш йиллик бошидагига қараганда хизмат кўрсатиш 183,6 процентга кўпайди. Бундай кўрсаткич Сергели, Октябрь, Чилнозор районларида ҳам ўсади.

Бугунги кунда маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси шаҳар аҳолига 700 хил ҳар хил хизмат усуллари билан бериб берилади. Ўн биринчи беш йилликнинг бошидан шу кунгача 150 та янги хизмат кўрсатиш усуллари жорий этилди. Бевоқифа ишчи-хизматчилар тавжум ерда, корхона ва ташкилотларда комплекслашган маиший хизмат пунктларини очинишга катта аҳамият берилмоқда. Икки йил ичида шахримиздаги корхона ва ташкилотларда 4,7 миң квадрат метрлик иборат бўлган 115 та комплекслашган ва алоҳида бўлган қабул пунктлари аҳолига хизмат кўрсата бошладилар. «Средазэлектротрапарт», «Ўзбексельмаш», «Мо-

ТАЖРИБА АЛМАШИБ, ҲАМКОРЛИК ҚИЛАМИЗ ВА ДЎСТЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Чехословакия Социалистик Республикасининг байроғи Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонларидан бири узра қилираб турибди. Бу ерда ташкил этилган тематик экспозицияда ЧССР корхоналари Совет Иттифоқига етказиб бераётган молларнинг хилма-хил турлари билан танишиш мумкин. Бу маҳсулотларнинг асосий қисми Ўзбекистон пахтасида етиштирилган эътибордан ўзига жалб этади.

Стендар ва витриналарга газламалар ва кийим-кечалар, химикатлар ва рўзгор буюмлари, галантерия ва трикотаж, ички кийимлар ва спорт анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари қўйилган. Деярли ҳар бир экспонатда Ўзбекистон деҳқонлари меҳнатининг самараси намоён. Шунинг учун ҳам виставка томошбинлари алоҳида қизиқиб юрмоқда. Социалистик индустрияди янги ташкилоти иштирокчилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқари меҳнат тақдирини самараларидан янгилик намойиш қилмоқда. Чехословакиянинг фабрика ва заводлари ҳар йилги Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқарилган ўн миңглаб

тонна пахта толеси оломоқдалар. Қардош мамлакат меҳнаткашлари «оқ олтин»ни барча совет иттифоқидош республикаларидан юз миңлаб кишиларга манзур бўлган анъанавий кўркам ва шиқ ҳақда модел буюмларга айлантирмоқдалар.

Тошкентда ўтаётган Чехословакия экономикаси ва техникаси кунлари вақтида ЧССРдан келган мутахассислар лекциялар ўқиб, докладлар қилмоқдалар. Улар тажриба алмашиб, Чехословакия индустриясининг ривожланиш истиқболлари билан таништирмоқдалар, совет бозорини ва унинг ахтиёрларини чуқурроқ ўрганмоқдалар.

10 октябрь куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Чехословакия экспорт моллари кўргазмасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари И. В. Усмонов, Р. Х. Абдуллаева, Е. А. Айтмухамбетов, В. П. Анисичев, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Х. А. Шогазатов, Н. М. Махмутова, В. А. Хайдуков бориб кўрдилар. Чехословакия ҳукумат делегациясининг

бошлиғи, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари К. Лацо ҳам шу ерда эди.

Тошкентда Чехословакия экономикаси ва техникаси кунлари муносабати билан Ўзбекистонга келган ЧССР ҳукумат делегацияси 10 октябрь куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи жаҳонда энг катта ташкилотлардан бири — Чехословакиянинг «Коопсол» акционерлик жамлияти Тошкентда матбуот конференцияси уюштирди. Унда журналистлар мана шу савдо-саноат фирмасининг иш қўламлари ва имкониятлари билан танишдилар. Фирма бош директорининг ўринбосари Иржи Фамер, «Коопсол» жамиятининг бошқа еткази мутахассислари бирлашма экспорт қилаётган (анъанавий солод, қандшакар, хмель, пшеницадан тортиб музлатиш ва бошқа юқори самарали технологияларни қўлданги бўли билан тайёрланган энг янги маҳсулотларга) буюмларнинг хилма-хил турларини таърифлаб бердилар. ССРда

биринчи марта Чехословакияда ишлаб чиқарилаётган маъқул экинликларнинг рогаи хилма-хил турлари, асосан табиий мена шарабатлари намойиш қилинди. Меҳмонлар ана шу маҳсулотларини Совет Иттифоқига етказиб беришни тақдир этмоқдалар.

Ўзбек пахтасида тайёрланган қўдан қўл буюмлар, чиройли аёллар қўйлақлари, ансамбллар, эркаклар қўйлақлари, бежирим костюмлар, газламалар «Центротекс» кўни» муносабати билан республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинмоқда.

Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ўзаро фойдала ҳамкорлик истиқболлари ҳақида гап юритилди. Матбуот конференциясида ССР ва ЧССР ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари, Ўзбекистон пойтахти газеталари, тармоқ журналлари, радио ва телевидениесининг мухбирлари иштирок этидилар. «Центротекс» Бош директори Иржи Коутник журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎЗАГА).

XXVII ТОШКЕНТ ЖАСОРАТНОМАСИ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 2

«ОҚ ОЛТИН» - ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 октябрда бўлган

МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,85	73,18
Хоразм	1,47	70,82
Тошкент	3,32	68,03
Наманган	3,06	67,13
Бухоро	1,33	64,22
Андижон	2,25	59,56
ҚўАССР	1,86	58,48
Сурхондарё	2,27	55,95
Навоий	1,58	54,74
Самарқанд	1,70	47,90
Сирдарё	4,64	43,92
Жиззах	3,69	41,87
Қашқадарё	1,63	35,84
Республика бўйича:	2,42	56,96



ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ГЛАВТАШПАС-САВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАРИНИНГ ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Маъсум мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Кетмов, Р. Нуъмон, Т. Қармонов Жиззах ва Сирдарё областларида хабар қилмоқдалар.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ СТУДЕНТЛАРИ — ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Ҳосилни республика пахта тайёрлаш пунктлари умумий вазирига қарабгина эмас, балки энг муҳими, таркибидоғи толасига қараб қабул этилади. Шунинг учун «оқ олтин»ни юксак сифатли йиғиб-териб олиш беихоро муҳим вазифа ҳисобланади. Жиззах областининг Арнаош районидоғи Юнус Фучик номили совхоз пахта далаларида йиғим-теримда актив қатнашаётган Тошкент халқ хўжалиги институтини ўқитиш факультетининг студентлари ҳам бунинг ахши тўғрисида ҳашида.

Бу институт педагогика коллективлари ва студентлари ҳам йилги кўриқ област пахтазорларида салмоқли амалий ёрдам кўрсатишмоқдалар. Улар пахтазорлар билан елкама-елка туриб, қатъий таълим олишга кўрсатишмоқдалар. Улар ҳамма сафдада бўлишига эришилди. Ўзбекистоннинг катта хирмони бунёд этиш учун

қурашнинг энг қийин участкаларида бўлишига интилоб келмоқдалар. — Юнус Фучик номили совхоз пахтазорларида факультетимизнинг 600 студенти гайрат-шиқоват кўрсатиб, дейди шиб боллини доцент Е. А. Абдуллаев, — студентларимиз савқията дала шийпонига жойлаштириш, жуда яхши шарт-шароитлар ярати берилган. Хоналар иссиқ бўлиб, ўлар бу гамхўр-

ликка жавобан теримда ўзаро мусобақани кучайтиришти. Муносабат натижаларини ошқорлагани ва тақдосланганини таъминлаш учун жанговар варақалардан, «Чақ моқ»лардан ва бошқа воситалардан актив фойдаланяпмиз. Бу ерда йиғит ва қизлар ўртасида М. Эркабоев етакчилик қилувган бригада олдинда борапти. Шунинг айтиб ўтиш кераки, студентлар

нинг қайфиятлари яхши, улар зўр гайрат-шиқоват билан пахта йиғим-теримда фойдаланишга кўрсатишмоқдалар. Далада ишлаётганларга институт ректорати ва партия ташкилоти гамхўр ва меҳрибон бўлишга, уларнинг янада умидли меҳнат кўрсатишларини яратиб беришга интилоб келмоқдалар. Биз қаерда бўлмайлик, Тошкент халқ хўжалиги институтини

ўз куч-гайратларини аямий республика катта хирмони учун шаънатли меҳнат намуналарини кўрсатаётганликларининг гувоҳи бўлди. Улар Жукон номили, Конев номили ва Ворошилов номили совхоз пахтазорларида ҳақиқий мадакор бўлишга етганини кўрдик. СУРАТЛАРДА: институт ўқитиш факультетини студентлари «оқ олтин» дала-ларида.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети бюросининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Сергели район партия комитетининг IV ҳисобот-саялов конференциясида билдирилган таъқирий фикр ва мулоҳазаларни бажариш ҳамда навбатдаги V район партия конференциясида таъқирий фикр кўриш юзасидан олиб бораётган иш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Район партия комитети бу соҳада муайян иш қилаётганлиги таъқириб ўтилди. Бу экономикада, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги аҳолини яхшилашга ёрдам бермоқда. Район саноят ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари юзасидан ўн биринчи беш йиллик директив топшириқларини бажармоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги камчиликлар бартараф этиляпти. Маҳсулотларнинг сифати яхшиланимоқда. Меҳнат коллективлари «КПСС XXVII съездида — 27 зарбдор ўн кунлик» шiori остидаги социалистик мусобақад ақтия иштирок этмоқдалар. Навбатдаги V район партия конференцияси ҳам таъқирийлик қуриляпти.

Шу билан бир қаторда район партия комитети, бошланғич партия ташкилотларининг бу соҳадаги фаолиятида камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Таъқирий фикр ва мулоҳазаларини амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан системаси йўқ. Хўжалик раҳбарларининг топши-

район партия конференцияси, район партия комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорлари, уларда коммунистлар томонидан билдирилган таъқирий фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилишининг боришини таҳлил қилиб чиқиш вазифасини юқлади. Район партия комитети таъқирий фикр ва мулоҳазалар сўзиси бажарилишини таъминлаш керак. Коммунистлар, барча меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни интенсификация, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш учун қўшимча чоралар қўрилиши лозим.

Область партия комитети бюросининг мажлисида қилмоқда кишлоқ хўжалик маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, бу маҳсулотларнинг савдо-саноат тармоқларига, область нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасига, область матбуот соҳасига, область савдо бошқармасига кишлоқ хўжалик маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, бу маҳсулотларнинг савдо тармоқларига даражада яхшилаш ва шу асосда аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёрларини янада тўлароқ қондиришни таъминлаш юзасидан жойлардаги ишларини кучайтириш вазифаси топширилди.

Совет спортчиларини 1988 ҳамда 1992 йиллардаги Олимпиада ўйинларига таъйирлаш муносабати билан область партия комитети шаҳар ва район партия комитетларига, шаҳар ва район икхона комитетларига оммавий физкультура ва спорт ишларига раҳбарлик савиясини оширишни, Олимпиада ўйинларига, СССР ҳақларининг IX спартакиадасига, 1986 йилги Ўзбекистон XX спартакиадасига таъйирлашдан қўшимча таъйирлаш мақсадида таъйирлаш учун физкультура ва спорт ҳар бир меҳнат коллективни, микрорайон, маҳалланинг қудали ҳаётига жорий этилиши лозим. Спорт себбияларидоғи машғулотларга илтифо ва қўлоқчилик, хотин-қизларнинг кенг жалб этилиш керак.

Область партия комитети бюросининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Тошкентдаги агрегат заводининг коллективни муқаддас бурчларидан бири — кишлоқ меҳнаткашларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида ёзда тутомоқда. Завод ақчиллари қишда Тошкент область Калинин районидоғи Галарин номили совхозда бўлиб, йиғим озуқа коллексини ремонтдан чиқаришда жонбозлик кўрсатиб ишлайди. Ҳозир коллективнинг бир гурупа вакиллари озуқа ва унга хизмат қилган транспорт қонвейерини ремонтдан чиқаришмоқда.

Корхона бу йил биринчи марта Тошкент районидоғи «Ленинград» колхозига кишлоқ хўжалик техникаси учун кўп миқдорда эҳтиёт қисмлар юборди.

Бундан ташқари, район бригадалари Жиззах области хўжалик маҳсулоти шайлашда меҳнаткорларга амалий ёрдам кўрсатишди.

Ҳозир республикамиз пахта далаларида ҳосил таъдирини ҳал қилиш учун кураш қизгин паллага кирди. Корхона ишчилари ҳам умумхалқ ишида иштирок этиб, бунёд этилажак улкан хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга қарор қилганлар.

ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

Яқинда Ўзбекистон Рассомлар союзининг виставалари залида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Маннон Саидов асарлари кўргазмаси очилди. Бу кўргазма ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган санъаткорнинг ижодий ҳисобидир.

Маннон Саидов ёшлигидан рақс билан боғлиқ бўлиб, 1939 йилда Тошкент бадий билим юртига кириб ўқиди. Улуғ Ватан уруши йилларида аса заводда меҳнат вахтасида туриб ишлад. 1945 йилда аса билим юртига қайтиб ўқиниш давомида Ленинграддаги Репин номидagi тасвирий санъат графика ва ҳайкалтарошлик институтига юборилди. Маннон машҳур рассом П. П. Белосуслов тасвирий санъат сирларини ўргатди. Б. Иогансан сингари педагоглардан таълим олди. 1953 йили М. И. Калинин «Самарқандда» деган картинани яратиб, аъло баҳога са-

вор бўлди. Кейин диплом билан Тошкентга қайтди. М. Саидовнинг профессионал расм соҳасидаги дастлабки ишлари содда портрет композициялари ва кичик жанрли картиналар эди. Унинг «Нормани бажаришди» композицияси дастлабки ижодий муваффақият саналади. Бунда ишқисмас йигит ва ёш қолхозчи қизнинг кичинмалари тасвирланади. Еш рассом «Хирмонда» деб номланган композициясида ўзбек халқи характери, ни бадий бўёқларида акс эттиради.

Рассом ўзининг «Ишчи» Мухиддинов портрети» асариди ишчи инсонни яратувчи, ўз касбининг устаси сифатида тасвирлайди. Маннон Саидов кулги-сева, ақилсевар инсон. У ноҳоналарда аския кечаларида қатнашди. Шу сабабли ҳам «Аския» картинасини яратди.

— Мен кўринишда портрет ва пейзаж этюдларига кўпроқ эътибор берман. — дейди М. Саидов. — Бу

лар ижодий изланишларимни чуқурлаштиришда, бўлажак йилнинг картиналаримда катта роль ўйнайди. Натурал расм чизишга ҳам ижодий ёндашман.


Рассомнинг «Узум узини» картинаси ҳам эскиз чизишдан бошланган. Бу асар томошабинда байрамона кайфият уйғотади. Тиниқ осмон, қуёшнинг заррин нурулари тушиб турган узумзор оралаб юрган қувноқ, шодон йигит-қизлар тасвири кишиларда яхши кайфият тугдиради.

М. Саидов ижодида ўзбек халқининг бугунги кун билан бирга, тарихга ҳам меҳр ўрни берилган. Гражданлар уруши ва босмачиларга қарши кураш темалари ҳам бор. Ўша пайтларда савд-свалани тугатиш муҳими масалалардан эди. «Саводисалнинг тугатиш» картинасида ушбу аёлнинг тасвири берилган. Бу аёллар ёши, кўриниши, характери жиҳатдан турлича. Улар ўзини хос равишда кийинишган. Уларнинг бири катта

ёшдаги аёл, экинчиси эса унга савод чиқаришда ёрдам бераётган. Уларнинг учинчиси эса қўлида қалам билан ўйлаётган турибди. Унинг нигоҳидан билимга, нурга чанқоқлиги сезилиб турибди.

Мўйқалам устаси ижодининг энг ёрқин кирралари йигиндидан бири — «Ойла. Тонг» асаридир. Бу картина санъат оламида чинакам воқеа бўлди. Камалак рағбиде товланиб турган бу асар кўпчилик мутахассис-у мухлисларга манзур бўлган. Унда кишида ёқимли кайфият уйғотиладиган бўёқлар мавжуд. Картина персонажларининг юзлари ёруғ, зақиди меҳнат суруридан сархуш бўлиб, одимламоқдалар.

Рассом тарихий картиналарининг бош қаҳрамони йиги дунё яратувчи, революциянинг юксак идеаллари учун тоғларга кўчган бўлиб, одимламоқдалар. Уларнинг бири катта



нинг ёрқин образини революционернинг типик вақили сиймосини юзага келтиради. «Концертта», «Яша Шўро!», «Театрнинг тугилиши» асарларида ҳар томонлама етук ўзбек зиялиси тасвирланади.

Виставкада юқориди тилга олинган картиналардан ташқари кўплаб портретлар, пейзажлар, натюрморлар намойиш этилмоқда. Булар орасида «Учрашув» картинаси кўпчилик томошабинларга

манзур бўлмоқда. Манна, механизатор йигити чўлини обод қилиш ишларини бошлаб юборган. Трактори тайёр турибди. Шу пайт унинг ёнидан илон чиқиб қолади. Лекин йигит унда чўчимади. Чунки чўлларнинг эски хўжайини ўз ўрнини чўлуқвар йигитга ва унинг ўртоқларига бўшатиб бериши керак эди. Шундай бўлди ҳам.

М. Саидовнинг «Хумсон», «Бригадир», «Келинчақ» каби асарлари ҳам киши диққатини тортади. Агар «Хумсон» асарига тоғ манзаралари жоибаси бўёқларда акс эттирилган бўлса, «Бригадир», «Келинчақ» картиналарида кишлоқ аёлларининг орзу-ўйлари, ички кечинмалари тасвирланади. Кўргазмадаги бошқа кўпгина асарлар ҳам кишини ҳаяжонлантиради.

Ш. МИРҲАБИВОВ.
СУРАТЛА Р Д А:
рассом М. Саидов ва у яратган асарлардан намуналар.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУҲБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ШОНЛИ САНАЛАР ШАРАФИГА

БЕРЛИН. ГДР меҳнаткашлари Германия Демократик Республикаси ташкил этилган йилнинг 36 йиллигини ҳамда СССР билан ГДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланганлигини 10 йиллигини таъанис қилишда нишонламоқдалар.

Республика санъати ва кишлоқ хўжайинлигини меҳнат коллективлари юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликларига тўғрисида байрам аравасида рапорт бердилар. Йил бошидан буён маҳсулот ишлаб чиқариш плани 2,2 миллиард марка ошириб бажариляпти.

Шонли саналар шарафига ўтказилган ишлаб чиқариш мусобақаси якунлари бўйича меҳнат илгорларига мукофотлар топширилди. ГЭСП Милларий Комитети Сийош бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф мукофотлаш маросимида нутқ сўзлаб, ишчи ва деҳқонларнинг невислар дийдоринг давлати социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигида мустақкам бўгин эканлигини уқтирди. ГДР қардош давлатларнинг келишиб олинган ташқи сийосати доирасида титчилик учун ва калқаро ишлардаги кескинликни юмшатиш учун қатъий кураш олиб бормоқда. ГДР қалқи СССРнинг пойрасини тўхташга ва қосмосда курулланш пойрасининг олдин олишти қаратилган ташқи сийосатида ишчи мухжим ташаббусларини таъбирлабди ва тўла-тўқис қўллаб-қувватлайди.

«Нобел дойчланд» газетаси СССР билан ГДР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида ўн йил муқаддам имзоланган шартномага баҳо бериб, бу шартнома ишқи мамлакат ўртасиди муносабатларда мухжим босқич бўлди, деб таъкидлайди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат Совет Иттифоқи билан ГДР ўртасиди мустақкам иттифоддан далолат беради. Бу шартнома иккала мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада мустақкамлашга, уларни ривожлантиришга қўмаклашди.

ЛАЙЛАКЛАР ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛИШАРМИКАН?

Болгариянинг Бела-Черча шаҳридаги ион заводи зудлик билан қайта реконструкция қилинадиган бўлди. Курувчилар енг шимариб ишга киришиб кетишди. Завод труба-си ҳам ремонт қилиниш зарурлиги ҳақида гап кетганда корхона маъмурияти лаб тшлаб қолди. Чунки труба ичи аллақачон лайлаklar маконига айланган экан, ўш, узок йиллар давомида завод ишчиларининг энг яқин «дўстларига айланиб қолган лайлак устини энди қарога қўчириш керак! Курувчилар бу муаммони ҳал этишди. Улар труба ичиди унинг безарар олиб уни ремонт ишлариди ҳоли бўлган жойга ион ёпиш ҳезининг томи орасига мустақкамлаб қўйишди.

ЖАҲОН БҮЙЛАБ

БЕЛГРАД. Югославия пойтахти яқиндаги Янчи деган жойда фашизм устиди қозонилган Ғалабанин 40 йиллигига бағишланган оммавий иштинг бўлиб ўтди. Ёдгорлик паркига минглаб белградликлар, мактаб ўқувчилари, Югославия белградликлар, мактаб ўқувчилари, Югославия халқ армиясининг ишгичлари, ветеран-жангчилар, келди-лар. Улар иккинчи жаҳон уруши вақтида ги-перчилар бу ерда вақт шийларча қийноққа солган ва ўлдирган фашизм торрори қурбонлари хотирасини ҳурмат билан эса олиб ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар ёдгорлиги пойга гулчамбарлар қўйдилар.

ТОКИО. Нагасак шаҳри мажлиси қабул қилган резолюцияда Япония ҳукуматининг ҳарбий бюджетини оширишга қаратилган йўлидан норозлилик изҳор қилинади. Маҳаллий кесаба союзулар депутатлар мухолифасига тақдими этган резолюцияда ҳарбий кучини ошириш сийосати мамлакатнинг шусиз ҳам қийин молиявий аҳволини чигаллаштириб, социал эҳтижлар учун халқ армиясининг қисқартиришга сабаб бўлиши, япон халқининг тинчлик ва қуроқсизлини муд-доосига энд бўлиб тушиши таъкидланади.

ҚОҶИРА. Совет Иттифоқи билан дипломатия муносабатлари ўрнатилиши иккала мамлакатнинг туб миллий манфаатларига мос бўлиб туради, деди Уллоҳ Султонлиги ахборот министри А. Ар-Раввас. Тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро иқлимни соғломлаштиришга қўмаклашиш мақсадига шу ҳақда қарор қабул қилинди. Дипломатия муносабатларининг йўлга қўйилиши бу дастлабки қадам ҳолос, деди министр. Келгусида Уллоҳ қўпгина асарларда СССР билан ўзаро манфаларни алоқаларни ривожлантиришга умид боғлайди.

Акс-садо

«ТҮЙ—УМР ГУЛТОЖИ»

МУНОЗАРАНИ ГАЗЕТХОНЛАР ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

ДИЛ СЎЗЛАРИ

«Тошкент оқшоми» газетасида дондор кишиларимизнинг имзоси билан босилган «Тўй—умр гултожи» мақоласини қизиқиб, қониқиб ва мароқ билан ўқиб чиқдим. Мени, айниқса, исрофгарчилик ҳақидаги гаплар ўйлантириб қўйди: «...Яхши ният билан ўтказиладиган тўйларимизда бойваччилик қилиш, «ўзини кўчиликка кўрсатиб қўйиш» натижасида меҳнат-каш халқ еттиштирган ноз-неъматларини, озиқ-овқатларини исроф қилиб анҳорга оқиниш, нондек буёқ неъматини молларга бериш инсоф-данми?»

Маъна шундай дабдабали тўй қилаётган, исрофгарчиликка йўл қўётган, босар-тусарини билмай қолаётган кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш керак. Бундай бебилликка пул топиб «ном чиқарар» да «хотамтойлик» қилувчилар даромадини текшириш, агар қинғир йўл билан пул топган бўлса маъмурий чорга кўриши айни мудиоа бўлади.

Ж. АБДУЛЛАЕВ,
меҳнат фронти қатнашчиси.

● Афсуски, орамизда манманлик қилувчи, одамлардан ўзини баланд тутувчи айрим худбин, нон текилик қилувчи шахслар учраб туради. Булар сохта обрў кетидан қувиб, эл-юрт олдига ўз башараларини ошкор қилмоқдалар. Бундай ипоп шахсларни халқ лаънат-лаб келган, бундан сўнг ҳам лаънатлайди. Жамоатчилик эса катта куч.

А. РИЗҚИЕВ,
пенсияер, меҳнат ветерани.

● Бизнинг маҳаллада ҳам бошқа маҳаллардек кетма-кет ўғил ўйлантириш, қиз чиқариш, туғилган кунни нишонлаш каби турли маросимлар бўлиб турибди. Ўн бири кишидан иборат сайланган тўй комиссиялари тўйларини, маросимларини илҳамлаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун ҳаракат қилишмоқдалар.

С. РИХСИЕВ,
Чилонзор район, «3-Чарх-Камолон» маҳалла комитети раиси.

● «Тўй—умр гултожи» мақоласида баён қилинган фикрларга қўшилман. Танқидий фикрларни қўллаб-қувватлайман. Ўз навабатиди газетхонлар эътиборларини тўйлардаги акустика масаласига жалб қилмоқчиман. Маълумки, тўй ўтказиладиган ҳовли ҳар хил талиқда бўлиши мумкин. Лекин баъзи кичи ҳовлиларда микрофон қўйилмас эа хонанда овози бемалол эшитилади. Гап шундаки, микрофон орали эшиттирилган овоз пластинка ичи плёнкага ёзиб олинган овоздан фарқ қилмай қолди, ўзининг табиийлигини ва эстетик таъсир қувватини камайтиради.

УТТИЗ МИНГ ДОЛЛАР

Швейцарияда ишланган соат дунёдаги энг юксак соатдир. Унинг қорпус қалинлиги 1,96 миллиметр. Баҳоси эса қалинлигига тескари пропорционал 30 миң доллар.



ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

БОНН. ДПА агентлигининг Пекиндан хабар беришича, Ғарбий Германиянинг «Фиссерштайт-Белькон-Блю» авиация концерни Бовария бош министри Ф. —Й. Штраусининг маъди билан транспорт самолётларини, шунингдек граждани вертолётларини биргалашиб ишлаб чиқиш ва тайёрлашда ҳамкорлик қилишни Хитойга таклиф этган. Бу ерда гап концерн ишлаб чиқараётган вертолёт модели ва унинг ҳарбий нусхаси тўғрисида бораётди.

АНТИКА ЧЕМПИОНАТ

Австралиянинг қурорт шаҳарлариди бири — Керисда (Квинсленд штати) тарихида биринчи марта тинсхолар ўртасида югуртиш бўйича мусобақа ўтказилди. Теннис кортида бўлиб ўтган бу антика чемпионатда 15 сантиметрдан 2 метргача бўлган 36 та тинсхол қатнашди. Қизқариб ўтган бу мусобақа давомида 9 қатнашчининг оёқ ва думларини рақиблари томонидан рақиб ташланганлиги аниқланди.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕХЛИ. Ҳиндистон президенти Зил Сингх Кохичидаги ҳарбий хизматчиларга муражат этиб, Ҳиндистон тинчлик тарафдорини эканини, влмо ўз хавфсизлигига солинадиган ҳар қандай таҳликани даф қилишга тайёрлигини айтди. Президент Покистон Американиннг энг яқин қуроқлариди қўллаб сотиб олётганини уқтириб, Ҳиндистон ўзининг мухолиф қобилиятини мустақкамлаш учун зарур чораларни кўрмоқда, деб таъкидлади. Чет эллардаги актив

медад олиб мамлакатда ҳаракат қилётган сепаратчилар республиканиннг бирлиги ва территориал бутунлигини кўпоршига ҳеч қачон муваффақ бўла олмайдилар, деб таъкидлади шунингдек Ҳиндистон давлатининг бошлиғи.

КҮРҒОҚЧИЛИК САБАБЛИ

Ўтган йили Австралиянинг кўпгина районларига зарар келтирган қурғоқчилик бу қитъа учун хос бўлган ҳодисадир. Сидней университети мутахассислари узоқ йилларда бундан ҳам кучли қурғоқчиликлар бўлганлигини аниқлашди. Тахминан бундан 20 йил муқаддам содир бўлган қурғоқчилик ўн йил мобайнида давои этган. Олимлар худди ўша кезларда улкан кенгурулар ҳалок бўлганлигини эътироф этишади.

ЯПОНИЯ МАЪМУРЛАРИ ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

ТОКИО. Жанубий Корея оппозициясининг ҳозир Японияда турган тақиди арбоби Ким Ен Сам Сеул режими билан бундан буён қўллаб-қувватлашдан Токиони оғоҳлантирди. У Токиодаги энг катта университетлардан бири «Кэйо дай-гаку»да сўзга чиқиб,

Япония ҳукмрон доираларининг Чон Ду Хван диктатураси билан алоқалари Жанубий Корея ашлари ва меҳнаткашлари орасида Японияга қарши кайфиятлар кучайишига сабаб бўлаётганини таъкидлади. Ким Ен Сам Жанубий Кореядаги халққа қарши тў

данинг демократия учун курашчиларининг кенгайиб бораётган ҳаракатларини куч ёрдамида бостириш йўлидаги уринишлари тўла мағлубият билан тугайди, деб ишонч билдирди. Диктатураниннг ағдариб ташланганини муқаррар.

Мексика: зилзиладан сўнг

МЕХИКО. 19 ва 20 сентябрь кунлари қаттиқ ер қийирлаган Мексика пойтахти билан мамлакатнинг бошқа районлариди вазиет нормаллашмоқда. Барча давлат муассасалари ва хизматларининг, шунингдек транспорт ва ўқув юртларининг иш яна бошланди. Телефон ва телеграф алоқа линиялари 50 процент тикланди. Маъмурулар жабидайда аҳолини ижтимоий сув, газ ва электр энергияси билан таъмин-

лаш борасида шошилич чоралар кўрмоқдалар. Мексикони табиий офат натижасида қулаб тушган бино вайроналари дан тозалаш ишлари шитоб билан олиб боришмоқда. Ҳар кун ишларининг турли қисмлариди вайроналар остидан ўнлаб мурдалар топишмоқда. Мутахассис медиклар фожиали воқеалар юз берганидан бери 15 кун мобайнида вайроналар остида кўчилиб қолган кишиларнинг ҳаёт ресурслари

туғеган бўлиши керак, деб ҳисобламоқдалар. Мексика газеталарининг чамасига кўра, пойтахтда табиий офат натижасида ҳалок бўлганлар сони 7 миң кишидан ошади. Мамлакат президенти Мигель Де Ла Мадрид шаҳарининг вайрон бўлган районларини реконструкция қилиш ва тиклаш ишлари билан шуғулланувчи миллий комиссия тузилганлигини эълон қилди. У Мексика халқига қилган муво-

жағида пойтахтда янги уй-жойлар, меҳмонхоналар, жамоат ва маданий аҳамиятдаги иншоотлар қурилишини тезроқ бошлаб юбориш зарурлигини айтди. Президент офатга қарши курашда мексикаликлар матонат билан мардона турганликларини таъкидлаб, бу мамлакат жабрдияларининг эҳтижларини учун ҳамон олиб турган халқаро ёрдамга юксак баҳо берди.



«Ойлангиз бахтли бўлсин, азиз ёшлар!»

